

УСТОЗ ИЗИДАН БОРАМИЗ

ТТА лицей залида Кексаларни эъзозлаш ва қадрлаш йилига бағишиланган "Устоз изидан борамиз" шиори остида тадбир ўтказилди. Ушбу тадбирнинг ташкилотчиси академик лицей ва коллежлар билан ишлаш бўйича проректор С.Р. Баймаков, даволаш факультети декани П. С. Зуфаров, академик лицей ва коллежлар билан ишлаш бўйича масъул ходим Ю. А. Мусаева ва академик лицей ва коллежлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис, тиббиёт фанлари номзоди Ш. Ф. Усмонова бўлдилар.

Тадбирда неврология соҳасида ТТА неврология кафедрасида узоқ йиллар давомида кимматли меҳнатларини аямай ишлаб келаётган профессор Максуд Максудович Асадуллаев ҳамда ЛОР кафедрасида ишлаб келаётган профессор Абдумалик Махмудович Ҳакимов каби фахрий устозларимизнинг касбий ва илмий фаoliyati ТТА ёш магистрларига ҳамда Тошкент шаҳрининг 5 та турли тиббий коллек ва лицейлардан меҳмон сифатида чакирилган ёш талabalарга таниширилди. Тадбирни ТТА маъnaviyat ва маъrifat ишлари бўйича проректор Т. А. Бобомуродов очиб бердилар.

Тадбирда неврология ва тиббий психология каф. профессорлари З. Р. Ибодуллаев ва ЛОР кафедраси профессори Х. М. Маткулиев ўзларининг таъсири нутқи билан иштирок этдилар. Тадбирнинг асосий рамзи ифодаси ёш талabalаримизни касбга тўғри йўнаптириш ҳамда фахрий устозларни эъзозлаш бўлди.

СПОРТ – СОҒЛИҚ ГАРОВИ

ТТА спорт мажмуасида даволаш факультети педагоглар жамоаси ҳамда Тошкент шаҳар коллеж ва лицей педагог жамоалари ўртасида эстафета, волейбол спорт ўйинлари мусобақаси бўлиб ўтди. Ушбу тадбирнинг ташкилотчиси ТТА коллеж ва лицейлар проректори С. Р. Баймаков, даволаш факультети декани П. С. Зуфаров, даволаш факультети коллек ва лицейлар билан ҳамкорлик ишлари бўйича масъул ходим Ю. А. Мусаева бўлишиди.

Тадбирни неврология кафедраси мудири проф. Г. С. Раҳимбоева очиб бердилар. Тадбирда энг актив педагоглардан педиатрия кафедраси мудири Б. Т. Холматова ва уларнинг педагоглар жамоаси актив иштирок этдилар. Бу тадбирнинг асосий мақсадларидан бири аёллар саломатлиги дастури доирасида ҳамда Тошкент Тиббиёт академияси ва Тошкент шаҳар коллек ва лицейлар педагогларини янада дўстона муносабатларини мустаҳкамлаш, ушбу мусассасаларнинг спортга бўлган қизиқишини имкон қадар такомиллаштиришга қаратилган. Эстафета ва волейбол ўйинларида 5 тадан командалар иштирок этди. 1) ТТА даволаш факультети командаси; 2) ТТА қошидаги лицей; 3) Олмазор тиббиёт коллек; 4) Тошкент тиббиёт коллеки ва 5) Боровский номидаги тиббиёт коллеки иштирок этди. Волейбол бўйича биринчи ўринни Боровский номидаги тиббиёт коллеки эгаллади. Югуриш эстафетасида эса биринчи ўрин ТТА қошидаги лицей командасига берилди. Энг актив ҳамда волейбол бўйича ғолиб команда Боровский номидаги тиббиёт коллеки педагоглари жамоаси фахрий биринчи ўринни эгаллади. Барча иштирокчиларга ва ғолиб командаларга проректор С.Р. Баймаков томонидан медаль ва совгalar, фахрий ёрликлар топширилди.

Ю.Мусаева,
TTA Неврология кафедраси ассистенти

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-
ЎҚИТИУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**Мудир:**

Даволаш факультетига қарашли "УАШТ ва эндокринология" кафедраси

Доцентлар:

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Фтизиатрия" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Фармакология" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли УАШ жарроҳлик" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "УАШ педиатрия" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Болалар касалликлари" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "ИКП, гематология ХДТ ва лаборатория иши" кафедраси

Катта ўқитувчилар:
Тиббий педагогика факультетига қарашли "Факультет ва госпитал жарроҳлик" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Юкумли ва болалар юкумли касалликлар" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Умумий ва радиацион гигиена" кафедраси -

ОМХ факультетига қарашли "Тиллар" кафедраси

Ассистентлар:
Тиббий педагогика факультетига қарашли "Факультет ва госпитал жарроҳлик" кафедраси

Хужжатларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент Тиббиёт академияси ректоратининг девонхона бўлимiga топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-үй.

TTA ректорати, касаба уюшмаси Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедрасининг профессори

Маъриф Носирович ИСМОИЛОВнинг вафоти муносабати билан мархумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор этади.

MUASSIS:
TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI

MUHARRIR
TURDIQUL
BOVOMURATOV

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinnbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abduqodirova.

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent Tibbiyot akademiya RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobi
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yuxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir



ТИВИЙОТНОМА

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№ 12 2015 YIL DEKABR

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУФ
БЎЛСИН, ЮРТДОШЛАР!

Азиз юртдошлар, устоз ва талабалар!

Ўтган 2015 йил академиямиз ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлди. Айниқса ўқув жараёнига янги педагогик технологияларнинг жорий этилиши биз кутган натижаларни берди. Илмий тадқиқотлар борасида ҳам аҳамиятга молик силжишларга эришдик. Янгидан янги илмий тадқиқотлар ва ихтирочилик ишлари республикамиз жамоатчилиги эътиборини қозонди. Маънавият ва маърифат, маданият ва спорт соҳасида қилинган ишлар, кўлга киритилган ютуқлар ҳам ўзига хос салмоққа эга.

Академиямиздан Президент, Ибн Сино ва бошқа номдор стипендиантларнинг кўплаб чиққани ҳам юқорида қайд этилган ютуқларимизнинг самарасидир, десак, асло муболага бўлмайди.

Янги — 2016 йил Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан "СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ" деб эълон қилинди. Шундан келиб чиқиб, янги ишларда академиямиз жамоаси бир қатор хайрли тадбирларни ўтказишни мўлжалламоқда.

Қадрли устозлар, муҳтарам профессор-ўқитувчилар, азиз талабалар! Сизларни яна бир бор кириб келаётган Янги йилингиз билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз. Илмий, ижодий, ўқишдаги фаолиятингиз ва интилишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Оилангизга тотуелик, ўзингизга мустаҳкам соглиқ, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Янги ишлингиз муборак бўлсин, муҳтарам академиямиз жамоаси, қадрли профессор-ўқитувчилар ва азиз талабалар!

РЕКТОРАТ

(Давоми 2-бетда.)

Хишилик ёмонликни куйдирувчи олов.
Хиши билан дўст бўлган ёмонлардан
қутулар.



Хиши

2016 йил —
Соглом она ва бола йили
**СОҒЛОМ
ОНА ВА СОҒЛОМ
БОЛА — МИЛЛАТ
КЕЛАЖАГИ**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишиланган тантанали маросимда Юртбошимиз томонидан кириб келаётган янги 2016 йилни — Соглом она ва бола йили деб номлаш таклифини ҳалқимиз мамнуният билан кутиб олди ва том маънода барчамизни кувонтириди. Дарҳакиат, ҳалқимиз азалдан миллат генофондини тоза сақлаш, унинг келажаги учун қайғуриш ҳисси билан яшаб келаётган ҳалқdir. Бу ишларни амалга ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиган бўлиб, унинг замирида бунёдкор ҳалқимизнинг эзгу ишлари, хайрсаҳовати ва меҳр-муруvvвати мужассам этилган.


"Аёлни хурмат қилсак, миллатни хурмат қилган бўламиз" деб таъкидлайди Президентимиз. Аёл аввало она, соглом фарзанднинг камоли учун бутун куч-ғайратини сарфлайдиган бебаҳо ҳилқат. Соглом она ва соглом бола бугунги кунда мамлакатимиз тараққиёти миллий моделининг муҳим бўгини бўлиб, мустақиллик йилларида кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда. Албатта, олиб борилётган саъй-ҳаракатларимиз мазмунидаги ёш авлоднинг нафақат жисмоний жиҳатдан, балки маънавият етук шахсларни тарбиялаш масалалари ҳам асосий ўринни эгаллайди. Бунинг учун аввало оиласда оналарнинг билимли ва соглом бўлиши асосий омил ҳисобланади.

СОГЛОМ ОНА ВА СОГЛОМ БОЛА – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

(Давоми. Боши 1-бетда.) С оғлом она ва соглом бола бир-бирига чамбарчас боғланган бўлиб, ҳар иккисининг саломатлиги ҳамда маънавияти ҳам узвий алоқадор равишда миллат келажаги истиқболини таъминловчи механизм тарзда намоён бўлади. Мустақиллик йилларида оналар ва болалар саломатлигини сақлаш давлат сиёсатига кўтарилигандан бўлиб, бунинг натижасида “2000 йилдан бўён мамлакатимизда ирсий ва туға нуқсонли болалар туғилиши 1,7 баробардан зиёд камайди” (Қаранг: И. Каримов. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация

жараёнларини изчил давом этириш йўлидир. 20 жилд. Т.Ўзбекистон, 2012. 31-бет). Энг асосийси, мустақиллик йилларида аёлларимизнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга узайтирилгани олиб борилган саъйхароқатларимиз ва соглом турмуш тарзини шакллантириш натижасидир.

Кириб келаётган 2016 йил – Соглом она ва бола йилида ҳам бу ишларни давом этириб, кўплаб самарали ижобий натижаларни қўлга киритишимизга асло шубҳамиз йўқ. Негаки, бу



учун мамлакатимизда барча асослар ва шарт-шароитлар, энг муҳими эзгу ишларга ўзини доимо дахлор деб хис этувчи бунёдкор ҳалқимиз бор. Янги йил барчамизга қутлуг келсин.

**Нилуфар НИЁЗОВА,
Ижтимоий фанлар кафедраси
катта ўқитувчisi,
фалсафа фанлари номзоди**

АДОЛАТ МЕЗОНИ ЭРУР ҶОМУСИМ

Мана, 23 йилдирки, инсон ва жамият, шахс ва оиласининг ўзаро муносабатлари, уларни табиий равишида уйғуллаштириш пойдеворини ташкил этган Ўзбекистон Республикасининг ҳукуқий рамзи бўлган Асосий Қомусимиз асосида яшаб келмоқдамиз, унда зикр этилган мақсад ва муддаоларга эришиш, юртимизда тинч, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш, ҳалқимизнинг фаровонлигини юксалтириш йўлида ўз қуимизга, ақл-заковатимиз, миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизга, динимиз ва тилимизга таянган ҳолда меҳнат килмоқдамиз.

Жамиятимизда, ҳар қайси оила ва фуқаромиз ҳаётida қандай ижобий ўзарашлар содир бўлаётган бўлса, бўларнинг барчасини Конституциямизда белгилаб қўйилган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси, деб қабул киламиз.

Давлатимиз ва жамиятимизнинг нафақат буғунги қиёфаси, ҳаёт тарзи, балки келажагини ҳам белгилаб, эзгу мақсадларимизга ҳукуқий замин яратиб берган Конституциямизмана шу 23 йил давомида ҳар томонлами ҳаёт синовидан ўтди: иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш модели дейсизми, миллий ўзлигимизни англаш, қадриятларимизни тикиш жараёнларими, ҳалқаро майдондаги обру-эътиборимизнинг юксалиши дейсизми, бир сўз билан айтганда-инсон ҳаётини ҳимоялаш ва қадрига етиш йўлида биз қўлга киритётган ўтуқларнинг асоси десак муболага бўлмайди.

Конституциямизнинг туб моҳияти, хусусиятлари ҳақида сўз юритар эканмиз. Конституция-ҳаётимизни чинакам қонуний асосда куриш, ўз ҳақ-ҳукуқларимизни таъминлашнинг асосий манбаидир, десак хато кильмаймиз. Бу кун ҳалқимизнинг озодлиги, эркинлиги, ҳукуқий жиҳатдан кафолатланган кун бўлиши билан бирга инсонпарвар демократик ҳукуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти куриш йўлидаги муҳим тарихий воқеа сифатида ҳам катта байрам қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишлиланган тадбирлардан

бира Ўзбекистон Давлат маданият ва санъат институти ва Тошкент Тибиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультети билан ҳамкорликда ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мукаррам Даҳоджава, Республика маънавият тарбибот Маркази бўлум бошлиги, юридик фанлари доктори, профессор Гулчехра Маткаримовалар тадбир қатнашчиларида бахтизим Қомусининг яратилиши, унинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, унга киритилган ўзгаришилар ҳақидаги маъruzalari билан иштирок этдилар.

Тантанали тадбир Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти талабалари ва Тошкент Тибиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультети курсантлари томонидан Конституцияда белгиланган инсон ҳукуқ ва эркинликларни ифодаловчи санҳа кўринишлари ҳамда таникли санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар билан якунланди.

Адолат ҳуқмонлик қилган давлат равнақ топади. Шундай экан, Конституциямизни адолатли давлат, фаровон жамият ва эркин ҳаёт куришнинг гарови, деб тан олмок керак. Бу эса юртимизда қонун ва адолат устуворлигини ўрнатиш учун замин яратилганини далолат беради. Бу муқаддас ҳужжатда нафақат асрлар давомида эриша олмаган орзулар, мақсадлар мужассамлашган, балки, ҳукуқ ва бурчларимиз, тинчлик, осоишта, тотув ҳаёт асосларини аниқ ва равshan белгилаб, виждан эркинлиги ва диний эркинлигимизни таъминлаб берган.

Ҳаётимиз Қомуси биз ҳаммамиз орзу қилган жамиятга эришиш учун сабоқ берувчи дорилфунун, йўлчи юлдузимиздир. Бу муқаддас китобда белгиланган талаблар ва мөъларга риоя этиш ва амал қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Давлатимизнинг ҳукуқий рамзи–Асосий Қомусимиз қабул қилинган кун барчамизга қутлуг бўлсиз!

**Арофат НУРИДДИНОВА,
ТМА ҳузуридаги ХТФ ҳукуқшуноси**



ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ – ЁШЛАР КЕЛАЖАГИГА ТАХДИД

Ҳозирги даврда диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг кўлами ортиши глобал ҳавфсизликка йўналтирилган жиҳдий таҳдидга айланди. Диний-экстремистик ва террористик гурухлар глобализация жараёнлари ва йирик геосиёсий давлатлар орасидаги манбаатлар тўқнашувидан, шунингдек, илмий-техника ютукларидан фойдаланган ҳолда, терроризм ва экстремизмга қарши кенг қўлламли кураш олиб борилётган муҳитта мослашиб оғди.

Диний шиорлар остида сиёсий ҳокимиятга интилаётган диний экстремистик ташкилотлар Марказий Осиё мамлакатларидағи ижтимоий-сиёсий вазиятга салбий таъсир ўтказишга уринмоқда.

Диний экстремизм – жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидаларни рад этиш ва уларга зид бўлган ғояларни муросасизлик ва мутаассиблик билан тарғиб қилишдир.

Терроризм – муайян сиёсий мақсадларда, жамиятда бекарорлик келтириб чиқариш ва аҳолининг кенг қатламларида вахима ва қўрқув уйғотиши учун зўравонлик ишлатиш ёки зўравонлик ишлатиш билан қўрқитиш. Терроризм яширин (конспиратив) ташкилотлар томонидан бекарорлик келтириб чиқариш орқали давлат ҳокимиятини эгаллаш мақсадида қўлланилади.

Мусулмон мамлакатларида террорчи уюшмалар оммавий бўла олмагани учун аҳолининг кенг қатламлариномидан ҳаракат қилиш таассуротини уйғотиш мақсадида диний шиорлардан ниқоб сифатида фойдаланадилар.

Мамлакатимизда ёшларни илм-маърифатли, турли соҳаларда етук мутахассис, жисмонан баркамол инсон бўлиб этишишга кенг шароитлар яратиб берилган. Мазкур имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланиш, жамият ва давлат учун фидокор шахс бўлиш ҳар бир ёшнинг бурчидир. Бунинг учун эса, улар аввало, дунёвий ва касб фанларини чуқур ўзлаштириши, шунингдек, ўзбек ҳалқининг меҳнатсеварлик, оиласи мұқаддас билиш, инсонларга меҳрибонлик, дўстларга садоқат, ватанпарварлик каби тарихан эъзозлаб келинаётган қадриятларини ўзида шакллантириши талаб этилади.

Хуласа – ёшларимиз учун мамлакат суверенитети, террористларни бирлиги ҳамда мустақил сиёсат юритиш ҳукуқини мустаҳкам ҳимоя қилувчи фуқаро бўлиш, ўзларида миллий анъана ва ҳалқимиз менталитетига ёт ғояларга нисбатан мағкуравий қобиқ шакллантириши шарафли ва масъулиятли бурч ҳисобланади.

**Ш.А.ИСКАНДАРОВ,
Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчisi**

1 декабрь – Бутун жаҳон СПИДга қарши кураш куни


ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?

ОИВ\ОИТС инфекцияси дунё бўйлаб шиддат билан тарқалаётган касаллик бўлиб, айни вактда ер ўзида ОИВ билан яшаётган шахслар сони кундан кунга ортиб бормоқда. ОИВ инфекцияси — клиник белгиларсиз вирус ташиб юрувчиликдан иммун тизимнинг оғир заарланишигача олиб борадиган, узоқ давом этиувчи сурункали юқумли касаллик. Ортирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) — бу иккиласи иммунитет танқислиги натижасида оппортунистик инфекциялар, хавфли ўсмалар ривожланиб, асаб тизимини издан чиқарувчи ОИВ инфекциясининг сўнгги (терминал) босқичидир. ОИВ инфекцияси — фақат одамларда учрайдиган сурункали касаллик бўлиб, касаллик

унинг тарқалишига қарши кураш тўғрисида сўзлади. ОИВ инфекциясининг профилактикаси, унинг тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида аҳолини мунтазам равишида хабардор қилиб бориш, ОИВни юқтириб олганларни бепул асосда махсус текширувлардан ўтказиш, ташхислаш, даволаш режалари ва ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг умрениннан узайтириш ва турмуши сифатини оширишга, уларнинг ўлимини камайтиришига доир тадбирлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

**М.Т.ЗУБАЙДУЛЛАЕВА,
УАШТ ички касалликлар
ва клиник аллергология
кафедраси , т.ф.н. катта
ўқитувчи**

**Сукут — саломатликдир, яхшилик — иззат-
обрудир. Сахийлик — улуғликни келтиради.**



Барҳаёт сиймолар**ҚАДРИ АЗИЗ, ХОТИРАСИ ЭСА МУҚАДДАС**

“Тиббиётнинг барҳаёт сиймолари” деб номланган тадбир Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ёшларнинг кекса авлодга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтироми, узоқ йиллар давомида тиббиёт соҳасида меҳнат қилиб, ўз илмий, амалий салоҳияти билан давлатимиз, халқимиз ва тиббиёт оламида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган буюк сиймоларни ёдга олиш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда талабалар профессорлар Акбар Аскаров, Содик Махсумов, Зулфия Иброҳимова, Ўзбекистоннинг



биринчи академик шифокори Носир Исмоилов каби тиббиёт дарғаларининг заҳматли ва шарафли ҳаёт йўллари ҳақида инглиз ва ўзбек тилларида маъруза қилдилар.

Улар ўз чиқишиларида юқорида номлари келтирилган тиббиёт олами жонқуярларининг босиб ўтган мазмунли ҳаёт йўли, фаолияти, илмий салоҳияти, изланишлари, тиббиёт соҳасида эришган ютуқлари ҳақида тадбир иштирокчilariга батафсил маълумот бердилар.

Тадбир фикр, мулоҳазаларга бой тарзда мазмунли ва мароқли якунланди.

Огоҳлик**ТИНЧЛИК УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ!**

Бугунги кунда барчага сир эмаски глобаллашув жараёнлари ва мағкуравий таъсиrlар қанчалик инсон онгига таъсир қилиб, уни ҳаётдан ажратиб, жамиятга қарши қилиб қўймоқда.

Дунёning турли ҳудудларида диний экстремистик ҳаракатлар ва террорчиллик хуружлари тез-тез содир бўлмоқда. Терроризм ҳаракатлари инсоният тарихида янгилик эмас. Кўпорувчилик ҳоллари турли даврларда, турли минтақаларда хилма-хил шаклда содир бўлиб келган мудҳиш ҳодиса. У ҳамма вақт инсоният ҳаётiga таҳлика ва таҳдид солиб, турли ғаразли мақсадларнинг, ғоялар ва хоҳиш-иродаларнинг тимсоли сифатида яшайди.

Президент Ислом Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида XX аср муаммолари, одамлар дунёқарашидаги жиддий ўзғаришлар ва унинг оқибатлари хусусида фикр юритиб, ана шу юз йиллик охирида диний экстремизм ва фундаментализм, терроризмнинг кенг илдиз отиб бораётгандиги ҳақида таъкидлаган эди.

Бугун дунёning барча мамлакатлари диний экстремизмнинг қанчалик оғир оқибатларга олиб келишининг гувоҳи бўлиб турибди. Хусусан, Ироқ ва Суриядга, ҳозирда Афғонистон ҳудудларининг бир қисмидаги ИШИД террорчиларининг қилимишлари дунёни ларзага солмоқда. Муаммонинг моҳияти шундаки, уларга алоқадор кишиларнинг ҳалигага тинч яшаб турган мамлакатлар орасидан топилиши бугунги кунда барча давлатларни ўйлантириб қўйди. Шу билан бирга ҳеч қайси мамлакат бу фалокатдан четда эмаслигини тақрор ва тақрор англаб етмоқда.

Шундай экан тарих тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки ҳалқлар орасида тарқоқлик юзага келса, ўша ерда экстремизм ва терроризм ўчоклари пайдо бўлмоқда. Террорчилар ўз қабиҳ ниятлари ўйлида ҳар қандай

воситадан фойдаланишмоқда. Улар қора бозорда нефть сотиш, одам савдоси, интернет ва бошқа глобал воситаларга ўз қабиҳликларини кенгайтириб боришмоқда.

Шу жиҳатдан олганда интернет ва бошқа глобал воситалардаги турли мағкуравий хуружлар инсонлардан чуқур билим, кенг дунёқарашни талаб қилади. Зоро, эртаниги кунни ўйламай енгил-епли қарор чиқариш, келажак кушандаси эканлиги тарих ҳақиқатидир.

Террорчилар ўз қабиҳликларини дин билан ниқобламоқдалар.

Ўзларини ИШИД (Ироқ ва Шом ислом давлати) деб никоблаган ёвувлар исломни никоб қилиб олишгани ёнгаянчли ҳолдир. Бунинг оқибатида қанча одамлар Сурия, Ироқ, Афғонистонни тарқ этиб, бошпана қидириб бошқа мамлакатларга кетмоқда.

Дунёда бўлаётган бундай қабиҳликлар Ватанимизнинг ҳар бир фуқаросини огоҳликка ва эҳтиёткорликка, тинчликни қадрлашга, ўз уйини, ўз оиласини, ўз Ватанини асрasha га чакиради.

Ҳадисларда “Ватанини севмоқ иймондандир” деган чуқур ижтимоӣ, фалсафий фикрлар бор. Ватани севиши – унинг тарихи ва тақдирини чуқур билиш, қадрлаш, Ватан, миллат манфаатлари йўлида ҳалол, фидокорона ҳизмат қилишдир. Ватани севиши – мамлакатда тинчлик, барқарорлик, тутувлик, аҳиллик, ҳамкорлик ва ҳамжоҳатлик таъминланишига ҳисса қўшиш, унинг мустақиллигини ҳимоя қилишга тайёр бўлишдир.

Ватан, миллат тақдирни ва тараққиётiga бундай муносабатда бўлиш иймонлилик, инсонпарварлик ва ватанпарварликнинг белгисидир.

Шундай экан, тинчлик учун барчамиз масъул бўлмоғимиз даркор!

**Б.У. РЎЗИЕВ,
Ижтимоӣ фанлар каф.ўқитувчisi**



**Виждан — яхшиликни ёмонликдан
ажратадиган, яхшиликка
йўналтирадиган кучли қувватdir.**



Хикмат

**ЎЗАРО
ҲАМКОРЛИК**

Хозирги глобаллашув даврида янги маълумотларни ўзлаштириш, тиббиётнинг жадал ривожланиши турли мамлакатлар олимларининг ҳамкорлиқидаги ишларни амалга оширишини тақозо этади.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада таомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Қарор ўз вақтида қабул қилинган бўлиб, дунё информацион ресурсларга ва замонавий цивилизацияга кенг йўл очиб, ёшларни билимни чуқур эгаллашига замин яратади. Қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида ТТАда кенг кўламдаги ишлар амалга оширилоқда, чет эллик мутахассисларни талабаларга келиб маърузалар ўқиши одатий ҳолга айланмоқда десам муболага бўлмайди. 2015 йил 28 ноябрь куни Жанубий Корея Сеул университети профессорлари Д.И.Хан, жаноб Г.И.Пак ҳамда Д.С.Ким маъруза ўқиш учун ТТАга ташриф буордилар. Ташириф давомида ТТАнинг ўш олимлари, талабалари, педагоглари, илмий ходимлари учун лицей запида маъруза ўқидилар.

Олимлардан Д.И.Хан дунё бўйича трансплантология соҳаси бўйича етук мутахассис бўлиб, у “Меъда ости бези трансплантологияси” мавзусида замонавий қарашларга йўғрилган қизиқарли маъруза ўқиди. Профессор Д.С.Ким “Сурункали ўпка обструктив касалликларининг замонавий ташхислаш усуслари” мавзусини кенг ёритиб берди. Жаноб Г.И. Пак “Геронтология муаммолари” бўйича қизиқарли маълумотлар билан узоқ яшаш сирлари билан ўртоқлашид. Куннинг иккичи яримда рекорат запида 70 ёшли профессор Г.И.Пак “Кардиомегалия синдроми”. Сурункали юрак етишмовчилиги замонавий ташхислаш ва даволаш усуслари” ҳақида маъруза ўқиди. Маъруза кардиологиянинг барча муаммоларини ўзида мухассамлашириди. Ҳозирги кунда бутун дунёда юрак-қон томир касалликлари, айниқса юрак ишемик касаллиги ўлим, касалланиши ва ногиронликка сабаб бўлувчи асосий касаллик сифатида эътироф қилинмоқда. Миокард инфарктининг ижтимоӣ аҳамияти кечки инфарктдан кейинги давдра сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиши билан аниқланади. Маърузага 200дан ортиқ тингловчи ташриф буордига, 90 дақиқа давом этган маъруза кўплаб саволларга жавоб олиш, инглиз тилидаги мунозара ва муҳокамага бой чиқишилар билан ўтди.

**С.ШУКУРЖНОВА,
УАШТ ички касалликлар ва клиник
аллергология кафедраси доценти
З.ШОАЛИМОВА,
шу кафедра ассистенти**

2015 йил — Кексаларни эъзозлаши йили

**ҚАРИЛАРИНИ ФАРИШТАЛАРГА
ТЕНГЛАЙДИГАН ЭЛ
ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!**


Бу муқаддас Ватанда азиздир Инсон! деган иборани эштитганимизда албатта ўшу қарининг кўкисида бир ифтихор уфуради. Дарҳақиқат, бизнинг жаннатмакон юртимизда инсоннинг қадриммати юксакларга кўтарилладики, бундай улуғлаш, эъзозлаш ҳеч бир юртда кузатилмайди. Айниқса, айни пайтда ҳамма нарса илм-фан тараққиёти мезони билан ўлчанилиб, маънавий оламдан узоклашадиган асрда фарзандларнинг ота-оналарга мөхрибонлиги борган сайн ўйқолиб бориши катта фожиадир. Бу борада қайси юрт вакилини олман бизнинг қадримматларни ўзбекларни олсанда қарашади. Юртбошимиз томонидан 2015 йилни “Кексаларни эъзозлаш йили” деб номлаши ҳам бежиз эмас. Президентимиз йилни номлашда ўз нутқарида “Қариси бор уйнинг париси бор” деган мақонни тилга олди. Таъбир жоиз бўлса, бу мақонни йилнинг шиори бўлди десак муболага бўлмайди. Чунки, кексалари бор хонадон обод, кексалари ўқиди. Профессор Д.С.Ким “Сурункали ўпка обструктив касалликларининг замонавий ташхислаш усуслари” мавзусини кенг ёритиб берди. Жаноб Г.И. Пак “Геронтология муаммолари” бўйича қизиқарли маълумотлар билан узоқ яшаш сирлари билан ўртоқлашид. Куннинг иккичи яримда рекорат запида 70 ёшли профессор Г.И.Пак “Кардиомегалия синдроми”. Сурункали юрак етишмовчилиги замонавий ташхислаш ва даволаш усуслари” ҳақида маъруза ўқиди. Маъруза кардиологиянинг барча муаммоларини ўзида мухассамлашириди. Ҳозирги кунда бутун дунёда юрак-қон томир касалликлари, айниқса юрак ишемик касаллиги ўлим, касалланиши ва ногиронликка сабаб бўлувчи асосий касаллик сифатида эътироф қилинмоқда. Миокард инфарктининг ижтимоӣ аҳамияти кечки инфарктдан кейинги давдра сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиши билан аниқланади. Маърузага 200дан ортиқ тингловчи ташриф буордига, 90 дақиқа давом этган маъруза кўплаб саволларга жавоб олиш, инглиз тилидаги мунозара ва муҳокамага бой чиқишилар билан ўтди.

Шунингдек, ҳалқимизнинг севимли адаби Тоҳир Малик шундай дейди: Мамлакатимиз раҳбари қариларни иззат қилар экан, давлат кексаларнинг тарбиясига ижобий ташвишга соляпти. Таназзулнинг ёнг жирканч қўриниши – қарияларга бехурматлик, уларнинг аянчли тақдирларига бефарқ қараш. Қарияларни ардоклаш бизларга аждодлардан мерос. Қадим қадимдан бола тарбиясининг асосида кексаларни иззат қилиш белгиланган. Жумладан: оиласда овқатланиши учун дастурхон атрофида жам бўлиб йигилганда ҳеч қачон кексалардан олдин таомга кўп чўзилмайди, албатта таом аввал кексаларга тортилади. Оиласда, маҳаллада бир иш қилишдан олдин, албатта ёши улуғ инсонлардан маслаҳат олишиади. Кексалар гапираётганда қолганлар диккат билан тинглашади. Мана шундай тарбия бизнинг кон-конимизга сингиб кетган. Ваҳоланки, бошқа юртда бундай тарбияни кузатишмиз даргумон.

Биз тиббиёт олийгоҳида геронтологияни фанини ўзлаштирамиз. Бунда ҳар кексаларни пациентларга алоҳида ёндошув талаб этилади. Олдинлари

**Д.Я. АЛИҚУЛОВА,
ТТА Жамоа соғлиғини сақлаш
Мактаби магистри
Д. МУҲАММАДЖНОНОВА,
олий маълумотли ҳамшира
факультети
3-курс талабаси**

**Тили ширин одамнинг дўсти кўп
бўлади.**



Хикмат

